
Данғара тумани ҳокими маҳалла ходимлари иштирокида очиқ мулоқот ўтказди.

Данғара тумани ҳокимлигида маҳалла фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича туман ҳокими, мутасадди ташкилот раҳбарлари, маҳалла раислари ҳамда ҳоким ёрдамчилари иштирокида очиқ мулоқот бўлиб ўтди.

Дастлаб, тумандаги маҳаллаларда аҳоли муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича тавсиялар берилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “[Аҳоли хонадонларида саноат усулида маҳсулот ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ҳамда томорқа ва деҳқон хўжаликларида янги захираларни ишга солишга доир чора-тадбирлар тўғрисида](#)”ги ПҚ-115-сонли қарор мазмун-моҳияти кенг тушунтирилиб ўтилди.

Хар бир маҳаллага иқтисодий комплекс ходимлари бириктирилиб, маҳалла ходимлари билан биргаликда «хонадонбай» ўрганишлар натижасида ўз соҳасига доир масалаларни ҳал қилиб бориш бўйича вазифалар белгилаб берилди.

Очиқ мулоқот давомида маҳалла раислари ҳамда ҳоким ёрдамчилари томонидан амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилиб ўтилди. Маҳалла раислари томонидан аниқланган муаммолар тегишли тартибда рўйхатга олиниб, ҳал этиш учун тегишли мутасаддиларга бириктирилиб, назоратга олинди.

Шу ўринда “ELTUZ” телергам канали орқали “Данғара ҳокими қачон президент сиёсатига амал қилади?” сарлавҳаси остида чиқарилган мурожаатда келтирилган маълумотлар (Йиғилиш 8: 30 да бошланиб 16:00 га қадар давом этди. МФЙ раислари ва аёллар фаолларини қастдан ташқарига ҳам чиқармади.) асосиз келтирилганлиги ҳамда ҳақиқатга тўғри келмаслиги маълум қилинади.



2024-03-12 17:56:41